

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

ТИНЧЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИК – БУЮК НЕЪМАТ

Аждодлар хотирасини ёд этиш, инсон қадри ва манфаатларини улуғлаш, юртимиз тинчлиги ва равнақи йўлида хизмат қилган кексаларга алоҳида ҳурмат-этибор кўрсатиш халқимизнинг эзгу ва олижаноб ғазилатларининг яққол тимсоли, дейиш мумкин. Президентимиз ташаббуси билан 9 май – Хотира ва қадрлаш куни деб эълон қилинган, ҳар йили халқимиз бу кунни умумхалқ байрами сифатида кенг нишонлаётгани замирида ҳам ана шу олий қадрият мужассамдир.

Эхтиром

Жорий йилда ҳам халқимиз ушбу байрамни муносиб тайёргарликлар билан қарши олди. Санага бағишлаб ўтказилган маданий-маърифий тадбирлар ҳар қачонгидан кенг қулоқ ёйди. Давлатимиз раҳбарининг шу йил 18 апрелдаги "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги Фармонида мувофиқ бундай тадбирларга алоҳида тантанавор тус берилмоқда.

Вилоятимизда ҳам матонат, жасорат ва меҳроқибат байрами уюшқоқликда, шукҳули ва кўтаринки тарзда ўтди. Асосий байрам тантаналари

Олмалик шаҳридаги Хотира майдонида кечди. Бу ерга Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат фронти фахрийлари, Ватанимиз тинчлиги ва сарҳадларимиз дахлсизлиги йўлида жон фидо қилганларнинг оила аъзолари, депутатлар, ҳарбийлар, кенг жамоатчилик вакиллари ҳамда ёшлар ташриф буюрди.

Вилоят ҳокими Содиқ Абдуллаев ҳарбий оркестр садолари остида Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбар қўйди. Иккинчи жаҳон урушида жон фидо қилган юрдошларимиз хотирасига таъзим бажо келтирди.



Қобилжон ҒОҒУРОВ олган сурат.

– Сизнинг жасоратингиз ҳаммисиз биз ва келажак авлод учун ибрат бўлиб қолади, – деди ҳоким. – Уруш йиллари вилоятимизнинг икки юз мингдан

зиёдрок йигитлари жангларда иштирок этиб, улардан 40 минг нафардан ортиқроғи уруш майдонларида ҳалок бўлди. Шукрки, айни кунлар-

да 270 дан зиёд уруш фахрийси қаторимизда, ҳур замон нашидасини суриб яшамокдалар. Нуроний кексаларнинг кўзларидаги қувонч, юз-

ларидаги табассум уларнинг эл орасида қадр топангидан мамнун эканликларини англатиб турибди.

Давоми 2-бетда. ➡

Кучли фуқаролик жамияти сари

Маҳалла хонадондан бошланади. Хонадон катталари оила аъзоларига ҳар жиҳатдан намуна, ўзаро ҳурмат ва меҳроқибатли бўлишлари шарт.

БАРЧАМИЗГА БИРДЕК ДАХЛДОР

Одамлар ўзлари яшаб турган жойларини обод қилишлари, қўни-қўшнilar билан яхши муомалада бўлишлари ва жамият ҳаётида фаоллик кўрсатишлари лозим. Зеро, маҳалла деганда, аввало, қўни-қўшни назарда тутилади. Уларга яхшилик қилиш эса жамият аъзолари ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Бундан ташқари, маҳалла кексаларини ҳурмат қилиш, тез-тез хабар олиш ва уларнинг суҳбатидан баҳраманд бўлиш ҳам маҳалладаги соғлом турмуш тарзини мустаҳкамлайди.

Одамларнинг яхшиёмон кунларида биринчи бўлиб маҳалла-қўи, қўни-қўшни ёрдамга келади. Мустақиллик шарофати билан маҳаллага кўрсатилаётган эътибор ҳам унинг анъанавий тарбия ўчоғи эканини яна бир бор тасдиқлаб турибди. Эндilikда маҳалла зиммасига замон талабларидан келиб чиқиб, янги вазифалар юкланди, мақоми юксалди.

Ўзбекистон Республикасининг "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Қонуни бирин-

чи навбатда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов тизимини такомиллаштиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Ушбу Қонунга мувофиқ сайловни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ишчи гуруҳи фуқаролар йиғини (вакиллар йиғилиши) қарори билан шакллантирилади. Шунингдек, мазкур ишчи гуруҳ аҳоли фикрини инобатга олган ҳолда номзодларни тавсия этиш ҳуқуқига эгаллиги ҳам белгилан қўйилган.

Таъкидлаш жоизки, маҳаллаларда ижтимоий мухитни барқарорлаштириш, оилаларни мустаҳкамлаш, "Оила – маҳалла – таълим муассасаси" ҳамкорлигини таъминлаш, комиссиялар ишини жонлантиришга кенг жамоатчиликни жалб этиш учун, аввало, раис ва унинг маслаҳатчиларидан ижтимоий-сиёсий салоҳият талаб қилади. Демак, фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари лавозимига етарли билим ва малакага эга, ташаббускорлик қобилияти бор номзодларни танлаш ишчи муҳими.

Одилжон НАРЗУЛЛАЕВ, Янгийўл тумани «Жоме» масжиди имом-хатиби.

МАРРАНИ БАЛАНД ОЛАЁТГАН АВЛОД

Чирчиқ шаҳрида вилоят хотин-қизлар қўмитаси ва "Қамолот" ЁИХ ҳамкорлигида 9 май – Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан маданий-маърифий кеча ташкил қилинди

Ёшларга оид давлат сиёсати – амалда

Қўтаринки кайфиятда ўтган тадбирда туман ва шаҳарлар касб-ҳунар коллежлари ёшлари томонидан ўзбек адабиёти ва санъати даргалари хотирланди.

Таъкидлаш лозимки, сўнгги йилларда вилоят ёшлари турли мусо-

бақалар, фан олимпиадалари ва кўрик-танловларда муваффақиятли иштирок этиб келмоқда. "Нихол" ҳамда "Зулфия" номидаги давлат мукофотларини қўлга киритаётган ёшларимиз сони ҳам йилдан-йилга ор-

тиб бормоқда. Бунда эса шубҳасиз, бу каби ижодий кеча ва учрашувларнинг ўрни катта.

Ёшларни жамият ҳаётида фаол иштирок этишларини таъминлаш, уларнинг ҳеч кимдан кам бўлмаган юксак

маънавиятли авлод бўлиб вояга етишларига ҳисса қўиш мақсадида ўтказилаётган бундай тадбирлар уларда ўзига бўлган ишончни мустаҳкамлаш билан бир қаторда, барча жабҳаларда илдам бўлишларига ҳам ёрдам бермоқда.

Давоми 2-бетда. ➡

15 май – Халқаро оила куни

Азал-азалдан халқимиз оилага жиддий муносабатда бўлган. Оила муқаддас даргоҳ сифатида улуғланган. Қарангки, халқимизга хос бу ноёб ғазилат дунё микёсида ҳам эътироф этилиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси қарорига асосан 1994 йилдан эътиборан 15 май – Халқаро оила куни сифатида белгилан қўйилди.

«ОЛТИН ҚЎРҒОН» ЖИЛОЛАРИ

Бу сана хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан вилоятимизда кенг нишонланмоқда. "Оиланинг олтин қўрғони" телемарафони доирасида Бўстонлиқ туманидаги "Хонбалик" мажмуасида ўтказилган "Энг намунали оила" кўрик-танловида вилоят шаҳар ва туманларининг намунали оилалари иштирок этди. Улар, аввало, меҳмон, қолаверса, танлов иштирокчиси сифатида қобилиятларини намойиш этидилар.

– Вилоятимиздаги 586 минг 483 та хонадонда 759 минг 683 оила тинч-тотув, аҳил-иноқ яшамокда, – дейди вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиева. – Бугунги танловни ташкил этишдан

мақсад ҳам оила институти ривожлантириш ва мустаҳкамлигини таъминлаш, оиланинг жамият тарққиётидаги аҳамиятини, унинг ижтимоий, иқтисодий, тиббий, сиёсий-ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, соғлом ва баркамол авлод тарбиясига қўмаклашиш ва намунали оилаларнинг тажрибаларини оммалаштиришдан иборат.

Танловда 3 та шарт – таништирув, савол-жавоб ва пазандалик бўйича баҳслаган оилаларнинг ўзига хос маҳоратлари яққол сезилиб турди. Уларнинг ҳар бири "Энг қобилиятли", "Энг тажрибали", "Энг тежамкор", "Энг меҳнатсевар", "Энг саховатли", "Энг пазанда", "Энг қувноқ" оила

каби мезонлар асосида баҳолаб борилди. Ғолиблар ташкилотчилар томонидан фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Жумладан, ангрелик Абдуҳаликовлар оиласининг ўзаро ҳурмат ва меҳроқибати, ўғиллари Алишер ва келинлари Фотиманинг ижрочилик маҳорати, чирчиқлик сержант Жамол Холбековнинг ёш оиласи, 6 ёшли чемпион қиз Садокатнинг журъати, бўстонлиқлик Шораҳмедовлар оиласининг меҳнатсевар ва тадбиркорлиги, янгийўллик Исабоевлар оиласининг пазандалик маҳоратлари алоҳида таъкидланди.

Танлов якунига кўра, 3 та шартни маромига ет-



казиб бажарган Оққўрғон туманилик Қурбоновлар оиласи 1-ўринга сазовор бўлди.

– "Адажонимиз" бизга йўл кўрсатадилар, мен болаларни шу йўлдан етаклаб бораман, – дейди оила бекаси Нигорахон.

Хулоса шуки, "Энг намунали оила" танлови нафақат ҳар бир иштирокчи, балки тадбир қатнашчилари учун тажриба мактабини ўтатиш ва вилоятимизда намунали оилаларнинг янада кўпайишига хизмат қилиши шубҳасиз.

Сайёра РИХСИЕВА, "Тошкент ҳақиқати" муҳбири. Мансур НАХАЛОВ олган сурат.

Эътироф

Яқинда Куала-Лумпур шаҳрида мамлакатимизнинг сайёҳлик салоҳиятига бағишланган тақдирот маросими бўлиб ўтди. Ўзбекистоннинг Малайзиядаги элчихонаси томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда қатор етакчи сайёҳлик компаниялари вакиллари иштирок этдилар.

МАЛАЙЗИЯДА ЎЗБЕКИСТОН САЙЁҲЛИК САЛОҲИЯТИ НАМОЙИШИ

Кўргазма чоғида Ўзбекистоннинг сайёҳлик соҳасидаги кенг имкониятлари, шу жумладан, ўзбек халқининг маданияти ва кўп асрлик анъаналари, бой тарихи ва замонавий тараққиёт хусусидаги маълумотлар намоийш этилди. Хусусан, мамлакатимиздаги ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси рўйхатида киритилган тарихий обидалари тадбир иштирокчиларининг эътиборига ҳавола қилинди. Шунингдек, ўзбек халқ амалий санъати маҳсулотлари, миллий каштачилик ҳамда тасвирий санъат намуналари намоийш ҳам йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди.

"Via Vacation & Travel Sdn Bhd" сайёҳлик компанияси вице-президенти Датук Сетиа Хаджи Моҳд Иса ушбу кўргазма таассуротлари билан ўртоқлашар экан, Ўзбекистон тарихини ҳам Буюк Ипак йўлининг турли маданият ва тамаддунлар туташган маркази бўлганини қайд этди.

– Республика ҳудудида жойлашган қадимий ёдгорликлар, шунингдек, ўзбек халқининг бой маданияти ва кўп асрлик анъаналари кўпайиб сайёҳларни, шу жумладан, малайзиялик сайёҳчиларни ҳам ўзига жалб қилаётди, – деди у. – Ўзбекистонга бўлган эътиборнинг тобора ор-

тиб бораётганини ҳисобга олганимиз ҳолда мамлакатингизга борадиган сайёҳчилар сонини янада кўпайтиришни режалаштирмоқдамиз. Шу боис биз сайёҳларимиз учун ўзбек зами-нидаги тарихий қадам-жолар билан бирга сайёҳликнинг экотуризм, геотуризм, экстремал, тиббий ва маданий йўналишларидаги имкониятларига оид қатор дастурларни ишлаб чиқяпмиз.

Журналист Зорая Вадило бир неча марта Ўзбекистон бўйлаб сайёҳат қилганини, Шарқ дурдонаси бўлмиш Самарқанд, Бухоро, Хива сингари шаҳарлар бағрида жойлашган бетакор меъморчилик обидаларини ўз кўзи билан кўришга муяссар бўлганини маълум қилди.

– Ҳар сафар Ўзбекистондан бой ва унутилмас таассуротлар билан қайтаман, – деди у. – Ҳозирги пайтда биз Ўзбекистон тарихи ва унинг замонавий тараққиёти ҳақидаги теледастурларни тайёрламоқдамиз. Мазкур телелойҳалар томошабинларни ўзбек зами-нидаги ажойиб ва бетакор тарихий ёдгорликлар ҳамда мамлакат халқининг бой анъаналари билан яқиндан таништиради.

"Жаҳон" АА, Куала-Лумпур.

ТИНЧЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИК – БУЮК НЕЪМАТ

– Дунёда тинчлик ва хотиржамликдан буюк неъмат йўқ, – дейди Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, қибрайлик Мўмин бобо Атакаев. – Шукри, муҳтарам Юрбошимизнинг доно ва

узоқни кўзлаб олиб бораётган сиёсати туфайли бутун Ўзбекистон халқи шундай бахтга мушарраф бўлди. Биз кексаларга кўрсатилган эътиборни айтмайсизми! Ўзингиз айтинг, осмони мусаффо юртда, эъзоз ва эъти-

борда яшашдан ортик яна қандай бахт бўлиши мумкин?!

Шу кунни вилоят ҳокимлиги, бошқарма ва ташкилотлар, турли жамоат ташкилотлари вакиллари Мотамсаро она хайкали пойига гулчамбарлар қўйишди.

Хиёбонда бўлиб ўтган юқори даражали тантанали маросимдан сўнг, фахрийлар учун тўкин дастурхон тузалиб, ош тортилди. Хонандаларнинг дилтортар қўшиқлари тадбирга кўтаринки руҳ бағишлаб, фахрийларимизни рақсга чорлади.

Нуронийларимизнинг қувончига сабаб бўлган ушбу байрамона тадбир сўнггида, уларга ҳомийларнинг байрам совғалари тортиқ этилди.

Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

◀ Бошланғич 1-бедра.

УНУТМОҚ ОСОНМАС СИЗЛАРНИ

"Бугунги тинч, фаровон ҳаёт учун жонини фидо қилган чегарачи қаҳрамонларимиз жасорати ҳар бир ўғил-қиз учун ибрат бўлиши керак. Уларнинг мардлиги қалбларимизда мангу яшайди..."

□ Мардлар қўриқлайди, Ватанни!

Хотира ва қадрлаш кунни муносабати билан Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинлари ҳарбий қисмида ўтказилган тантанали маросим шундай сўзлар билан бошланди.

Қаҳрамонларга ўрнатилган ёдгорлик қошида ҳарбий қисм командирлари, марҳум чегарачиларнинг оила аъзолари,

шоир ва ёзувчилар, вилоят педагогика коллежи ўқувчилари ва жамоат ташкилотлари вакиллари ҳам бўлдилар.

– Ҳар сафар Хотира ва қадрлаш кунни муносабати билан ўтказиладиган тадбирлар давомида шу ёдгорликдан бизга боқиб турган 12 қаҳрамон чегарачилар кўз олдимга келавара-

ди, – дейди чегара қўшинлари фахрийси И. Иброҳимов. – Ҳозирги таҳликали замонда, дунёда рўй бераётган қирғин-барот урушларни кўрганда юртимиздаги тинчлик, осойишталик учун мардонатор курашган ҳаюортларимиз хотираси олдида қарздорлик, озод Ватан мудофааси йўлида бурчдорлик ҳисси ҳар биримизни доимий огоҳликка чорлаб туриши зарур.

– Оилаимизнинг фахри, она Ватанимизнинг мард ўғлини укам Иномжоннинг ўрнида бўлган ҳар қандай аскар шундай йўл тутган бўларди, – дейди Илҳомжон Иброҳимов.

Тадбирда, шунингдек, ёшлар ўртасида "Аждодларнинг қаҳрамонона аъналарини садоқат билан давом эттириш, Ватан ҳимоясига доим тайёр туриш чегарачи-жангчиларнинг бурчидир" мавзусида икки авлод учрашуви ва давра суҳбати ўтказилди.

Чегарачи қаҳрамонларнинг оила аъзолари ва соҳа фахрийларига эсдалик совғалари топширилди.

Сайёра ЭШМАТОВА,
Мансур НАХАЛОВ
олган сурат.



УМРНИНГ ЎЧМАС ИЗЛАРИ

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 18 апрелдаги "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги Фармонида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан Бекобод шаҳрида ҳам қатор маънавий-маърифий тадбирлар, учрашувлар ўтказилди.

□ Эътибор

Шундай тадбирларнинг навбатдагиси "Ватанпарвар" ташкилоти Бекобод шаҳар ўқув-техника клуби ва 13-умумтаълим мактаби ҳамкорлигида ташкил этилди.

"Аждодлар ёди – ҳаммиса барҳаёт" мавзусидаги уч авлод учрашувида Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари,

ҳарбийлар, жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамда ёшлар иштирок этишди.

– Бобомнинг "Кексайганингизда эътиборга муҳтож қилмасин" деган ғалига изоҳ қўрсам, ҳар сафар "кексайганингизда тушунасан" деган жавоби олардим, – дейди Иккинчи жаҳон уру-

ши қатнашчиси Жалол бобо Искандаров. – Не бахтки, эътиборга муҳтожлик нелигини ҳали пайқамасам. Пайқамасам ҳам керак. Чунки, биз, кексалар Юртбошимизнинг доимий эътиборида, халқимизнинг ардоғидамыз.

Шунингдек, "Металлурлар" маданият са-

ройида "Инсон қадр азиз, хотира муқаддас" мавзусида маданий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Тадбир доирасида Бекобод саноат касб-хунар коллежи ўқувчилари шаҳардаги Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг хонадонларига ташир буюришди. Дилтортар суҳбатлардан сўнг, уруш ва меҳнат фронти фахрийларига "Ватанпарвар" ташкилотининг эсдалик совғалари топширилди.

Аваз ИСРОИЛОВ.



Тадбир давомида Зангиота тумани ёшлари элимиз севган санъаткор Комилжон Отаниёзов, Юқори Чирчиқ тумани ёшлари Мухриддин Ҳолиқов ижодидида энг сара қўшиқларни ижро этишди. Айниқса, Чиноз тумани ёшлари томонидан Фафур Фуломнинг "Шум бола" асаридан намойиш этилган сахна кўриниши йиғилганларнинг олқишларига сабаб бўлди.

– Ҳар сафар "Шум бола" фильмининг кўрганимда актёр маҳорати билан бир қаторда, асарнинг мукамал тили ва диалогларнинг самимиётлигидан ҳайратга тушардим, – дейди "Шум бола" роли ижрочиси Абдулазиз Раимов. – Бугун эса шу асардан парча ижро этиш орқали орзуларим амалга ошди. Бунинг учун ташкилотчилардан миннатдорман.

Адабиёт яшаса – миллат яшайди. Шундай экан адабиётимиз ривожига улкан ҳисса қўшган адабларимизни доимо хотирлаб, улар меросини кел-

▲ Бошланғич 1-бедра.

МАРРАНИ БАЛАНД ОЛАЁТГАН АВЛОД

ҳаммад Юсуф ижодига тўхталишди.

– Хотира инсоннинг зийнатидир, – дейди қибрайлик Дилноза Нуриллаева. – Бугунги тадбир бизларда аждодларга эҳтиром, Ватанга муҳаббат туйғулари янада мустаҳкамлади. Болалигимдан Муҳаммад Юсуф ижодига жуда қизиқаман. Бугунги тадбир эса шоир ижодига ҳурматимиз рамзи бўлди.

Дилноза Нуриллаева томонидан шоир қаламига мансуб "Улуғимсан, Ватаним!" қўшиғининг маҳорат билан куйлангани дастур иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

Анжуман доирасида "Ҳоким ва ёшлар" учрашуви ҳам ташкил этилди. Унда вилоят ҳокими Солиқ Абдуллаев иштирок этиб, ёшларни қизиқ-

тирган масалаларга алоҳида тўхталишди.

– Бу байрамга Хотира ва қадрлаш кунни дея ном берилиши ўтганларни хотирлаш билан бир қаторда бугунги кунда орамизда ўз маслаҳатлари ва ҳаётий тажрибалари билан бизга йўл-йўриқ кўрсатаётган нуронийларимиз, кекса отахон оналариимизнинг ҳолидан хабар олиш, уларни ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш бизнинг бурчимиз эканини аниқлаб туради, – деб таъкидлади вилоят ҳокими. – Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганларидек: "Тарихий хотирасиз келажак йўқ".

Вилоят ҳокими ёшлар билан самимий суҳбат чоғида ҳудудларни ривожлантиришга оид истиқболли режалар хусусида гапириб берди.

Тадбир давомида келгусида бу каби учрашувларни мунтазам давом эттириб бориш ҳақида фикрлар ўртага ташланди.

Фарҳод ТОЛИПОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.
Мансур НАХАЛОВ
олган сурат.

□ Тадбир

Халқимизнинг "Қизи бор уй" деган юракни бир чертиб ўтувчи ибораси бор. Зеро, ҳар бир қиз ўз хонадони, оиласи, ота-онасининг юзи, қолаверса, миллатимиз обрў-эътиборига дахлдор ҳилқат. Шунинг учун ҳам уларни ҳозирги глобаллашув жараёни, "оммавий маданият" иллати таъсиридан асраш нафақат ота-она, балки кенг жамоатчиликнинг вазифаси, бурчидир.

ҚИЗИ БОР УЙНИНГ ФАЙЗИ БЎЛАК

Ўқув-таълим муассасаларида республика Хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан "Ораста қизлар" тўғрақларининг ташкил этилгани бежиз эмас. Тошкент Давлат аграр университети қошидаги Қибрай академик лицейида ўтказилган "Муомала, либос ва биз" мавзусидаги маънавий-маърифий тадбир ҳам қизлар тарбияси хусусида бўлди. Унда иштирок этган ўқитувчи-

лар қизларнинг одоб-ахлоқи, кийиниш ва муомала маданияти ҳақида сўзлаб, ҳаётий мисоллар келтиришди.

Ораста қизлар эса тўғрақда ўрганганлари, катталар ўғитлари асосида тайёрлаган сахна кўринишлари, адабий-бадиий чиқишлари билан томошабинларда илиқ таассурот қолдирди.

Санда ИКРОМОВА.

ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Қибрай туманида "Тинчлик, осойишталик ва барқарорлик – жамият тараққиётининг муҳим омили" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

□ Давра суҳбати

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, вилоят ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари директорлари, ёшлар иштирок этди.

Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган маънавий-маърифий ислохотлар, хусусан, ёш авлодининг замонавий билим ва касб-хунарларни пухта ўзлаштириши, истеъдод ва салоҳиятини намоян этиши учун яратилаётган шароитлар юксак самаралар бераётгани алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 20 ноябрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"ги Қонуни, Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида

ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлаётди.

Тадбирда юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталикнинг қадрига етиш, мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги йўлида амалга оширилаётган ислохотларга дахлдорлик туйғуси билан яшаш, терроризм, диний экстремизм ва "оммавий маданият" каби турли мафкуравий таҳдидлар ва бошқа иллатлар таъсирига тушиб қолишининг аянчли оқибатлари, бу борада юртимизда олиб борилаётган кенг кўламли ишлар хусусида фикр алмашилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ёшларни қизиқтирган саволларга атрафлича жавоб қайтарди.

Ў. АБВАЛБЕКОВ,
ЎЗА мухбири.



Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ёш авлод маънавиятини юксалтириш, ўғил-қизларни она Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, миллий аънава ва қадриятларимиз-

га ҳурмат руҳида камол топтириш масаласига доимий эътибор қаратилмоқда.

Мутал Бурҳонов миллий мусиқа санъати ривожига муносиб ҳисса қўшган, ўзбек компози-торлик мактабига тамал

ЭЛИМДА АЛЁРИМ ҚОЛУР...

Паркент туманида Ўзбекистон халқ артисти, атоқли композитор Мутал Бурҳонов таваллудининг 100 йиллигига бағишланган маърифий кеча бўлиб ўтди.

тошини қўйган инсонлардан бири эди. Ма-шаққатли ҳаёт йўлини босиб ўтган композитор олтинчи йилдан зиёд вақт давомида турли жанрларда бадиий етук асарлар яратди.

– Мутал Бурҳонов ўзбек бастакорлик санъатига романс, акапелла жанрларининг кириб келишига катта ҳисса қўшган, – дейди

Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси раиси Рустам Абдуллаев. – Шу билан бир қаторда, Шарқ халқлари қўшиқларини миллий мусиқамизнинг нафислиги ва жозибасини сақлаган ҳолда қайта ишлашга муваффақ бўлган. Муаллифнинг романслари сокин, тингловчи қалбига ҳаловат бағишласа, бир қатор кинофиль-

млар учун яратган мусиқий асарлари халқчилиги, завқли жозибаси билан руҳиятга яқиндир.

Кеча давомида санъаткорлар ва мусиқа ихлосмандлари бастакор ҳаёти ва ижодига оид қизиқарли маълумотларни билиб олдилар.

Ф. РАВШАНОВ,
Даврон АХМАД
олган сурат.

БОҒ ТОМЧИДАН СУВ ИЧАДИ

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан интенсив боғлар барпо этилгани аҳолининг мевага бўлган талабини тўлиқ қондириш, бозорларда нарх-наво барқарорлигини таъминлаш ҳамда экспортни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Эътиборлиси, бундай боғлар йилдан-йилга кенгайиб, соҳибкорларимизнинг иқтисодий манфаатдорлиги ортиб бормоқда.

□ Тахриба

Зангиота туманидаги "NSA AGRO DEVELOPMENT" масъулияти чекланган жамияти "HAZERA" компанияси билан ҳамкорликда олиб бораётган ишлари кўпчилигида қизиқиш уйғотмоқда. Шу сабабли жамиятда қишлоқ хўжалиги ҳодимлари учун ўқув-амалий семинар ташкил этилди.

Семинар қатнашчилари замонавий технологиялар асосида яратилган янги 18 гектарли интенсив боғдаги кенг кўламли ишлар билан бевосита танишиб, тахриба алмашишди.

Олма, гилос, нок каби мева дарахтлар экилган боғ қатор ораларида айна кунларда "Emily

F1", "Magnus F1", "Brasilia F1", "Barselona F1", "Stromboli F1" нави оқбош ҳамда гулқарамлар пишиб етилган. Эътиборли жиҳати, боғда томчилариди суғориш тизими йўлга қўйилган.

– Дастлаб ишни тўпроқ таркибини лаборатория шароитида ўрганиб, климат шароитига мос қўчат экишдан бошладик, – дейди компания раҳбари Сардорбек Нуриддинов. – Ҳар бишга шу соҳанинг мутахассислари бириктирилган бўлиб, ўнлаб замонавий технологиялар, мини тракторлар жалб этилган.

– Экилганни томчилатиб суғоришда 60 фоиз тежамкорлик-

ка эришиш мумкин, – дейди интенсив боғдорчилик бўйича маслаҳатчи Шухрат Абборов. – Дастлаб 18 минг тонна сийғимга эга замонавий сув омборлари мизда ариқ сувлари тиндирилиб, дистилланиб, сўнг томчилатиб суғорилади. Бунда ернинг нишаби тўғри олинган бўлиши керак.

Семинар давомида қатнашчиларга ерни тайёрлаш, агротехник тадбирлар ўтказиш, суғоришни тўғри йўлга қўйиш, техникалардан фойдаланиш қоидалари мутахассислар томонидан амалиётда кўрсатиб берилди.

Аллома АЗИЗОВА.

Жойларда Хотира ва қадрлаш кунни муносабати билан уруш ва меҳнат фронти фахрийлари иштирокида ўтказиладиган маърифий-бадиий кечалар давом этмоқда.

□ Эъзоз

ЖАСОРАТИ ФАХР, МАТОНАТИ ИБРАТ

Чиноз туманида ҳам мазкур байрам муносабати билан таълим муассасалари ва маҳалларда "Нуроний" жамғармаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа жамоат ташкилотлари иштирокида икки авлод учрашувлари, маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилиб, уруш қатнашчилари ва меҳнат фронти фахрийларига давлат ва жамоат ташкилотларининг эсдалик совғалари топширилди.

– Туманимизда 9 нафар уруш ва 190 нафар фронт орти фахрийлари умргузаронлик қилмоқда, – дейди "Нуроний" жамғармаси туман бўлими раҳбари Мирҳамад Давронов. – Уларни тиббий-ижтимоий муҳофазалашга доимий эътибор қаратаёلمиз. Яқинда жамғармаимиз ташаббуси билан нуронийлар учун Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз сингари тарихий шаҳарлар ҳамда пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойларига саёҳат уюштирилди.

– Болалигимиз, ёшлик йилларимиз оғир замонларга тўғри келди. 1942 йили урушга кетиб, кўп қийинчиликларни бошдан кечирдим. Бир неча бор яранландим. Қўллаб-қувватлашимдан айрилдим, – дейди ўша машҳур кунларни хотирларкан уруш ва меҳнат фахрийси Тешавой Соипов. – Бугун биз – кексалар халқимизнинг меҳроқибати, давлатимизнинг ғам-хўрлигини ҳис қилиб, шу кунларга етказганига шукрона айтиб яшаймиз. Яқинда Тошкент ва бошқа ҳудудларда амалга оширилаётган бунёдкорликларни кўриб қайтдик. Замонавий йўллар, бири-бирдан гўзал бино ва иншоотлар, мактаб ва коллежларга ҳавас қўлса арзийди. Бундай ўзгаришларнинг ҳаммаси Ватанимиздаги тинчлик ва хотиржамлик меваси. Ёшлар билан учрашувда шулар ҳақида сўзлаб бердим.

Юлдузхон МУҲИДДИНОВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

Вилоят пиллакорлари жорий йилда 1 минг 600 тоннадан ортиқ қимматбаҳо хом ашё етиштиришни мақсад қилишган.

«Қумуш тола» мўл бўлади

Бунинг учун айна пайтда 29 минг 600 қути пилла уруғи парваришланмоқда. Шунингдек, мавсумни бетафлот ўтказиш учун тўздорлар алоҳида муҳофазатга олиниб, махсус пунктлар пилла ҳосилини ўз вақтида йиғиб олиш учун тайёр ҳолга келтирилмоқда.

Ўз мухбири.

□ Рағбат

Мамлакатимизда ҳар томонлама етук, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, ёшларни миллий ва


умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашда "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ўрни катта.

рақатига 14 ёшдан 30 ёшгача бўлганлар аъзоликка қабул қилинади. Етти ёшдан 14 ёшгача бўлган бола-жонлар ҳаракат негизидagi "Қамалак" ташкилоти аъзолари ҳисобланадилар.

"Қамолот" ЁИҲ таълим муассасалари, корхона ва ташкилотлардаги бошланғич ташкилотлардан иборат бўлиб, ҳудудлардаги кенгашлари эса янги истеъдод соҳибларини кашф этиш ва иқтидорларини ўстиришга ҳаракат қилади. Демак, айтиш мумкинки, Ўртабосимизнинг: "Қамолот" – ёшларнинг таянчи ва суянчига айлансин", деган эзгу ниятлари бугун рўёбга чиқди. "Қамолот", том маънода, барча ёшларни буюк келажак сари етакловчи кучга айланди.

Отабек ИСРОИЛОВ,
"Қамолот" ЁИҲ
Ўрта Чирчиқ тумани
кенгаши фаоли.

ЭЗГУ МАҚСАД САРИ ЕТАКЛОВЧИ КУЧ



Жумладан, ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, муаммоларини ўрганиш ва ижобий ҳал этиш, бандлигини таъминлаш, умуман, мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсати доирасидаги вазифалар ижросини таъминлашда "Қамолот" томонидан кенг қўлланилган олиб борилмоқда.

Бу йил ҳаракат ташкил топонига 15 йил тўлди. Ташкиллаш жозиқки, ташкилот ёш-

ларни эзгу ва улуғвор мақсадлар сари янада руҳлантириш мақсадида турли лойиҳа ва танловлар уюштирилмоқда. Жумладан, "Юрт келажаги", "Ёш тадбиркор – юртга маънафат", "Қамалак" юлдузлари, "Биз соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз", "Энг фаол ёш журналист" каби ёшларнинг янги иқтидор ва истеъдод соҳибларини кашф этишмоқда. "Биз – буюк юрт фарзандларимиз!" шиори остида

ўтказиладиган ёшлар фестивали эса Ватанга муҳаббат, истиқлолга садоқат туйғуларини билан йўғрилгани, айниқса, аҳамиятлидир. Ўтган вақт мобайнида "Қамолот" ёшларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришнинг ўзига хос тизимини яратди. Бу ҳақда гап кетганда, мамлакатимизнинг ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этаётган ёшларни уй-жой билан таъминлаш мақсадида бунёд этила-

ётган "Қамолот" уйлари фаол ва ташаббускор ёшлар учун ажойиб тўхфа бўлаётганини айтиб ўтиш лозим. Энг муҳими, "Қамолот" ЁИҲ ташкил топган пайтдан бошлаб ўтган қисқа давр ичида, мухтарам Ўртабосимиз раҳнамолигида амалга оширилган кенг қўллаш, эзгу ва хайрли ишлари билан ёшларнинг ҳақиқий суянчи ва таянчи бўла олди.

Ҳозир "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳа-

O'zLiDeP Тошкент вилояти кенгаши

мамлакатимиз тараққиётига муносиб
ҳисса қўшаётган тоғ-кон
металлургия саноати ходимларини
яқинлашиб келаятган касб байрамлари
билан табриклайди.
Уларга сиҳат-саломатлик,
эл-юрт фаровонлиги йўлидаги
шарафли меҳнатларида
куч-қувват тилайди.



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди
"ҚОНУНЧИЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ, ИНСОНЛАРДА ҚОНУНГА ҲУРМАТНИ, ЮКСАК ҲУҚУҚИЙ ОНГ ВА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИ ИШТИРОКИНИ ТАЪМИНЛАШ" МАВЗУСИДА

ННТлар ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларига Давлат грантлари ажратиш учун ҳужжатлар қабул қилиниши бошланганлигини эълон қилади

Қуйидаги йўналишларни назарда тутибчи ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳалар қабул қилинади:

1. Худудий электрон ОАВда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг асосий қоидалари, принциплари ва мақсадларини очиб беришга, Бош қонун нормалари меъёрлари ҳақидаги билимлар тарғиботига, 2011 ва 2014 йилларда унга доир қабул қилинган тузатишларнинг моҳияти ва аҳамияти тўғрисида кенг жамоатчиликни хабардор қилишга қаратилган махсус телерадио дастурлар, роликлар тайёрлаш;
2. Жамиятда қонунчиликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини, уларнинг, муҳим ижтимоий аҳамиятга эга бўлган (оддий фуқаролар, тadbirkorлар, пенсионерлар, ногиронлар, ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари) қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг моҳияти ва аҳамияти ҳақида хабардорлигини янада оширишга қаратилган туркум маънавий-маърифий тадбирлар (давра суҳбатлари, семинарлар, теле ва радио дастурлар, матбуот ва интернет тармоғидаги мақолалар) ўтказиш;
3. Худудий электрон ва босма ОАВда барча давлат органлари, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан қонун ва ҳуқуққа нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишнинг, турли соҳалар (йўл ҳаракати қоидалари, шахарсозлик нормалари, коммунал ва йўл ҳўжалиги, қўшниллар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатлар ва бошқалар)да қонун ҳужжатларига риоя қилмаслик фактларини жамоатчилик томонидан муҳокама қилиниши муҳитини шакллантиришга қаратилган материаллар тайёрлаш;
4. Адвокатлар палатаси ва унинг худудий бошқармалари билан биргаликда қонун ҳужжатларини қўллаш билан боғлиқ долзарб масалаларни аҳолига тушунириш мақсадида телевидение, радио, босма нашрлар, ин-

тернет тармоғида махсус руклар тайёрлаш;

5. Шахсий ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг мавжуд ҳуқуқий механизмлари ҳақида фуқароларнинг хабардорлигини оширишга, уларда амалдаги қонун ҳужжатлари доирасида ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билими, мақалалари, кўникмалари ва тайёргарлигини шакллантиришга қаратилган мавзуга оид телерадио дастурлар, мақолалар тайёрлаш;
6. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайланган депутатларнинг қонун ҳужжатларида назарда тутилган ваколатлари, жойларда мавжуд ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш учун уларнинг ваколатларидан фойдаланиш имкониятлари билан аҳолини таништириш бўйича кенг ахборот-тушунириш ишларини ўтказиш;
7. Худудий ОАВда "Жисмоний ва юридик шахсларнинг муносабатлари тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг моҳияти ва аҳамиятини очиб бериш, уни амалиётда қўллаш механизмлари бўйича ахборот-тушунириш ишларини ўтказиш;
8. Қонун ҳужжатларининг мазмун ва моҳиятини жамоатчилик томонидан муҳокама қилиниши бўйича республикада олиб борилаётган ишлар (тақлиф этилаётган янги нормаларнинг, ижтимоий муносабатларни тартибга солиш механизмларининг аҳамияти) ҳақида кенг жамоатчиликни хабардор қилиш;
9. "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурининг ижро этилиши бора-

сида ишлаб чиқилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари лойиҳаларининг жамоатчилик ўртасидаги муҳокама-ларини ўтказишга қўллаш;

10. Аҳолининг ҳуқуқий хабардорлигини ошириш, ҳуқуқий билимларнинг тарғибот ишларини амалга оширишда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш.

Давлат гранти ажратилиши учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш зарур:

1. ННТлар ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг раҳбари томонидан имзоланган ва муҳр билан тасдиқланган кузатув хати;
2. Давлат гранти лойиҳаси учун www.fundngo.uz сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган ариза;
3. Охириги ўзгартиш ва қўшимчалар билан давлат рўйхатидан ўтган ННТлар ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ўстаи (низоми) нусхаси;
4. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;
5. Агар лойиҳани амалга ошириш лицензияланадиган фаолиятни талаб қилса, унда лицензиянинг нусхаси тақдим этилади;
6. Манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг тасвиси ва қўллаб-қувватлаш хатлари илова қилиниши мумкин.

Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант миқдори – 25 миллион сўмгача. Ҳужжатлар 2016 йил 10 майдан 10 июнгача қабул қилинади.

Ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди номига "Ўзбекистон почтаси" орқали юбориладиган муҳрланган конвертларда (А4 форматда) қуйидаги манзил бўйича қабул қилинади: 100035, Тошкент шаҳри, Бунёдкор кўчаси, 1-уй.

Ҳужжатларни тақдим этиш шартлари ва намуналари билан Жамоат фондининг www.fundngo.uz расмий веб-сайтида танишиш мумкин.

Маълумот учун телефонлар: (0-371) 239-26-76, 239-26-64.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди
"ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИНИНГ ЖИСМОНАН СОҒЛОМ, МАЪНАН ЕТУК БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ЛОЙИҲАЛАРИНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ" МАВЗУСИДА

ННТлар ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларига Давлат грантлари ажратиш учун ҳужжатлар қабул қилиш бошланганлигини эълон қилади

Қуйидаги йўналишларни назарда тутибчи ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳалар қабул қилинади:

1. Ўсиб келаятган авлодда ота-онани, катталарни ҳурматлаш, кичикларга ғамхўрлик қилиш, меҳрибонлик ва инсонийлик, меҳр-шафқат ва баргиреклик, Ватани ва халқига садоқат каби юксак ахлоқий сифатларни шакллантириш;
2. Кекса ёшдаги шахсларга ижтимоий хизмат кўрсатиш соҳасида қўшиллар (волонтерлик) фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш, кексаларнинг турмуш даражаси ва сифатини янада яхшилаш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилишига ёшларни кенг жалб қилиш;
3. Ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини, фуқаролик онгини юксалтириш, уларнинг мамлакатда давлат ва жамият қурилиши соҳасида олиб борилаётган ислохотлар ҳақида хабардорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;
4. Ёшларнинг туғилиб ўсган ўз ўлкаси тарихи, маданияти ва меъморий обидалар ҳақидаги билимларини бойитиш, шу жумладан, махсус клублар фаолиятини ташкил этиш, экскурсиялар ўтказиш, ахборот материаллари, буклетлар, стендларни чоп этиш ва тарқатиш орқали бойитиш;
5. Ўсиб келаятган авлодда китоб ўқишга бўлган қизиқини ривожлантириш, адабий дидини шакллантириш, китобга муҳаббат ва эҳтиёткор муносабатни тарбиялаш, ёшларда ўқишга бўлган интилишни ошириш, кундалик ҳаётда китоб ўқишнинг амалий қадри-ни очиб бериш;
6. Техник йўналишдаги касб-хунарлар нуфузини ошириш, ёшларда муҳандислик билимини эгаллаш, танланган мутахассислик бўйича юқори маънафат олишга бўлган интилишни шакллантириш;
7. Ёш авлоднинг фан ва санъатга қизиқтириш учун зарур шароитлар

яратиш, ёшларнинг республика ва халқаро танловлар, олимпиадалар ва мусобақаларда иштирокини ўз ичиди ва интеллектуал салоҳиятини амалга оширишини рағбатлантириш;
8. Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи принципларини мустаҳкамлаш, жисмоний маданият ва спортни оммалаштириш, ўсиб келаятган авлоднинг алголизм, гиёҳвандлик, ахлоқсизлик, "оммавий маданият"нинг салбий таъсирлари, таҳдидларидан асраш;
9. Ёшларда соғлом ва обод оилани барпо этишга интилишни шакллантириш, уларнинг наслий ва туғма касалликлар профилактикаси масалаларига доир билимларини ошириш, оилада ижтимоий-психологик муаммоларнинг, эрта никоҳлар ва ажралишларнинг олдини олиш, ёшларнинг онгига тўй маросимларини ортқича ҳашаматсиз ва ҳаддан ортқича исрофгарчиликсиз ўтказишнинг муҳимлигини сингдириш;
10. Ёшларни, энг аввало, касб-хунар коллежлари ва олий таълим муассасалари битирувчиларини тadbirkorлик фаолиятига кенг жалб қилиш, айниқса, қишлоқларда оилавий бизнесни ривожлантириш учун шароитлар яратиш;
11. Иқтисодий чекланган болаларни ижтимоий мослаштириш ва қўллаб-қувватлаш, уларни спорт турларига, фан ва санъатга қизиқтириш бўйича амалий чора-тадбирларни амалга ошириш;
12. Ёшларда Ватанга чўқур муҳаббат, Қуроли Кучларимиздан фахрланиш ва ҳарбий хизматга ҳурмат ҳисларини тарбиялаш мақсадида таълим муассасаларида, меҳнат жамоаларида ва

маҳаллаларда ҳарбий-ватанпарварлик йўналишидаги тадбирларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича ишларни фаоллаштириш;

13. Жойларда ёшларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш ва манфаатларини таъминлашга қаратилган қонун ҳужжатлари нормаларининг амалга оширилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишда жамоатчиликнинг, фуқаролик жамияти институтларининг ролини кучайтириш.

Давлат гранти ажратилиши учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш зарур:

1. ННТ ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг раҳбари томонидан имзоланган ва муҳр билан тасдиқланган кузатув хати;
2. Давлат гранти лойиҳаси учун www.fundngo.uz сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган ариза;
3. Охириги ўзгартиш ва қўшимчалар билан давлат рўйхатидан ўтказилган нусхаси;
4. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлигини тасдиқловчи гувоҳнома нусхаси;
5. Агар лойиҳани амалга ошириш лицензияланадиган фаолиятни талаб қилса, лицензиянинг нусхаси;
6. Манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг тасвирномалари ва қўллаб-қувватлаш хатлари илова қилиниши мумкин.

Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант миқдори – 25 миллион сўмгача.

Ҳужжатлар 2016 йил 10 майдан 10 июнгача қабул қилинади.

Ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди номига "Ўзбекистон почтаси" орқали юбориладиган муҳрланган конвертларда (А4 форматда) қуйидаги манзил бўйича қабул қилинади: 100035, Тошкент шаҳри, Бунёдкор кўчаси, 1-уй.

Ҳужжатларни тақдим этиш шартлари ва ҳужжатлар намуналари билан Жамоат фондининг www.fundngo.uz расмий веб-сайтида танишиш мумкин.

Маълумот учун телефонлар: (0-371) 239-26-76, 239-26-64.

"AUTO TRADE COOPERATION" МЧЖнинг АУКЦИОН САВДОЛАРИГА МАРҲАМАТИ

2016 йил 7 июнь куни соат 12.00 да бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибиди ўтказиладиган такрорий "Очиқ аукцион" савдосига Тошкент вилояти, Қуйи Чирчиқ туман СИБ томонидан хатланган, Қуйи Чирчиқ туман ИИБ ЙХББ жарима майдончасида сакланаётган қуйидаги мулклар қўйилмоқда: ЖИБ Янгйўл туман судининг 19.03.2015 йилдаги 5-961-15-сонли ижро варақасига асосан, двигатель рақами ХТА21074031757619, "BA3-21074" р-ли ав-на, бошланғич баҳоси – 14 409 035 сўм; ЖИБ Қуйи Чирчиқ туман судининг 19.08.2015 йилдаги 151/15-сонли ижро варақасига асосан, 1978 йилда и/ч, д/р 10Е902GA, "BA3-2101" р-ли ав-на, бошланғич баҳоси – 2 121 000 сўм ҳамда 2009 йилда и/ч, д/р 10K057AA, "ГБА-НЕКСИЯ-СПГ" р-ли ав-на, бошланғич баҳоси – 35 717 000 сўм. Савдолар "AUTO TRADE COOPERATION" МЧЖнинг савдолар залида бўлиб ўтади. Аукцион савдосига қўйилган автотранспорт воситалари билан туман СИБ вакили иштирокида бевосита танишиш мумкин. Аукцион савдоси холиби савдо ўтган кундан бошлаб 5 (беш) банк куни ичида мулк учун тўловларни амалга ошириш лозим. Талабдорлардан ариза-

лар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва аукцион савдоси бошланишидан 1 (бир) кун олдин соат 12.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабдорлар "Закалат пули" тўғрисидаги келишув"ни имзолагандан сўнг мулк бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдорда закат пулини "AUTO TRADE COOPERATION" МЧЖнинг АТБ "InfBank"даги МФО 01041, ИНН 302477464, 20208000505015685001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: аукцион савдосида қатнашиш учун юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда; жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, закат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати. Қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинадиган. Манзил: Тошкент шаҳри, А. Темир 1-тор кўчаси, 6-уй. E-mail: info@auksion.uz. Тел.: (95) 193-74-96. Гувоҳнома № 005148.

"K'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ОЧИК АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

"Ўзасаноатқурилишбанк" АТБ Чирчиқ филиалининг 2016 йил 28 апрелдаги 11-06/780-сонли бюллетеню-номасига асосан, Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани, Хўжабек ҚФЙ, Қоранкул қишлоғида жойлашган, ер участкаси майдони 4,1014 га дан иборат 1 дан 18 гача бўлган лотлардаги бино ва иншоотлар қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 1 509 656 656 сўм.

Аукцион савдоси 2016 йил 15 июнь куни соат 12.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризалар қабул қилишнинг охириги мuddати 2016 йил 13 июнь куни соат 18.00 да.

Аукцион савдосида қатнашиш учун ариза билан биргаликда қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

– юридик шахслар учун давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек,

тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси;
– жисмоний шахслар учун паспорт нусхаси, аукционда вақит қатнашган тақдирда расмийлаштирилган ишончнома, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси.

Савдо холиби 30 (ўттиз) банк куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Мулкнинг тўлиқ тўловини амалга ошириш мuddати олди-сотди шартномаси тузилганда белгиланади.

Очиқ аукцион савдосига таклиф этиш учун талабдорлар томонидан мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закат пулини "K'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖнинг "Ипак йўли банки" АИТБ Сағбон ф-даги 2020800094920609114, МФО:01036, ИНН 207122519 x/p.га савдода иштирок этиш учун ариза топширгунга қадар тўлашлари шарт.

Аукцион ўтказиладиган ва қўшимча маълумотлар олиш учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамш кўчаси, 1-А уй. Тел./факс: (0371) 228-80-23. www.1kms.uz. Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Лицензия RR-0001.

Тошкент вилояти ҳокимлиги Йўловчи транспортнинг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаменти "Тошкент вилояти ҳудудида шаҳар ва шаҳар атрофида йўловчиларни ташиш фаолиятини лицензиялаш бўйича комиссияси"нинг 2016 йил 6 майдаги 16-сонли Баённомаси қарори билан:

Ўзбекистон Республикаси "Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"ги Қонунининг 23-моддасига асосан:

"OLMALIQ SHAMOL-TRANS" МЧЖга "Тошкент вилояти ҳудудида йўловчиларни шаҳарда энгил автомобилларда ташиш" фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган АТ серияли, 000396 рақамли лицензиянинг амал қилиш мuddати 2016 йил 7 майдан тақтилди.

Хотира азиз, қадр муқаддас

Оҳангарон

тумани-нинг сўлим кишлоқларидан бири Су-самга кириб борар эканмиз, ям-яшил боғ-лар, қўй-қўзилар эмин-эркин ўтлаб юрган қир-адирлар ортида пурви-қор тоғлар кўзга таш-ланди.

– Каранг, қандай гўзал, хушхаво жойлар, – деди ўқитувчи ҳамро-ҳим Дилфуза. – Мен шу кишлоқда туғилганман. Шунинг учун ҳам уруш фахрийси Боймат отани сўраганингизда, ўзим олиб бораман, дедим.

– Раҳмат сизга, муш-кулимни осон қилдин-гиз. Ҳар ҳолда нотаниш жойда йўлбошчи бўлган-ни яхши-да...

– Баҳонада маҳалла-дошларимни ҳам кўра-ман. Ахир, болалигим ўтган кўчалар. Боймат ота кишлоғимизнинг та-баррук кексаларидан. Амаким билан яқин дўст эдилар.

Ширин суҳбат йўлнинг танобини тортиши рост. Тез орада тавақалари кенг очиб қўйилган те-мир дарвозали ҳовли кўринди. Файзли йўлак-нинг икки четиди ан-войи гуллар, нарироқда каттагина боғ. Ўрик, олча, гилослар шигил мева туккан. Сув сепиб, супурилган, чиннидек ҳовлида 40 ёшлар чама-си қўхлиқина аёл кўрин-ди. У бизни ширин та-бассум билан кутиб олди.

Ҳовлининг ён томони-даги янги қурилган уй-дан чиқиб, биз томонга интилган отахонни кўриб, "овора бўлманг", дея ёнларига бордик. Боймат ота энчиллик

билан зинапоядан ту-шиб, биз билан сўраша кетди. Ажабо, оҳорли қўйлак, костюм-шим кий-ган 93 ёшли отахоннинг юзларидан нур ёғилиб турар, қуюқ қошлари ос-тидан боқиб турган са-мимий нигоҳларида ал-

– Дадажон, меҳмонла-римизга уруш йиллари-даги хотираларингизни сўзлаб беринг, – деди Зухра қайночасига чой узатаркан.

– Э, болажонларим, у кунларни биз кўрдик, сизлар кўрманглар, –

– Дадажон, Қамбар-нисо онамиз ҳақида сўзлаб беринг...

У биз томонга қараб, имлаб қўйди: "Ўтганла-рига 30 йил бўлса ҳам унутмайдилар. Ўғилла-ри: "Ота, уйланинг", де-йишса ҳам рози бўлма-

тубдан ўзгаргани умрла-рига умр қўшди.

– Мен кейинги 25 йиллик ҳаётимни тақ-дир тухфаси, деб била-ман, – дейди отахон. – Юртбошимизнинг биз фахрийларга кўрсатаёт-ган катта эътиборидан

ним, уйим тинч, атро-фимда фарзанду нева-раларим соғ-омон! Бу неъматларнинг қадрига етмаслик энг номаъкул иш. Инсон бир бурда нонга қаноат қилиши мумкин, аммо ватанга-доликдан ўзи асра-син... Шунинг учун ҳам 4 ўғил, 5 қизим киш-логимизга нафи тегиб яшаётганидан бениҳоя мамнунман. Катта ўғлим Ўрозали кончи, Аноркул экскаваторчи, Исроил нефть базаси-да ишчи, Жамолддин Олмалик кон-металлур-гия комбинатида теп-ловоз ҳайдовчиси. Қизларим ўқитувчи, ти-кувчи, ҳамшира.

Хуллас, кўнгли тоза одамнинг сўзлари ҳам дурдек жилоланиб, ки-шига завқ бериши бор гап. Боймат отани шу дурдона фазилатлари элда азиз қилган бўлса не ажаб! Кетар чоғимиз отахонни йўқлаб "Қора-қалпоқ" маҳалласи рай-си Шўхрат Шамшиев ёрдамчиси билан келиб қолди.

– Ассалому алайкум, Боймат ота, – деди у. – Бардам, бақувват, соғ-омон ўтирибсизми?! Ке-лаётган байрамларин-гиз билан табриклаш учун келдик. Қолаверса, эртага маҳалламиз гу-зарида байрам тадбири бўлади. Шунга ўғил-қиз-ларингиз билан боринг, ота. Телевидение ҳам келар экан... Сизни сўрашяпти...

Отанинг юзлари яна-да ёришиб кетди. Ахир эл-юрт назари, эътибо-ри инсон учун энг олий шараф. Шундай эмас-ми?

Сандя РАҲМОНОВА.

ШУКРОНАЛИК САОДАТИ



ўрناق олиб, атрофим-даги яқинларим ҳам янада ардоқлаб, эъзо-лашмоқда. "Қорақал-поқ" маҳалламиз фаол-лари ҳам йил – ўн икки ой бизни унуттирмайди. Ҳар байрамда совға-салом, озиқ-овқат маҳ-сулотлари билан йўқлаб туришади. Ўтган йили Қибрайдаги "Бўстон" санаторийсида бепул даволаниб, дам олиб келдим. Ўзбекис-тонимизнинг тарихий шаҳарларига саёҳатга ҳам борганман... Яқин-да менга қўл телефони совға қилишди...

Э, қойил! 93 ёшли отахон қўл телефони-дан фойдаланса... Шу топда яна бир ажойиб ҳолатга эътибор бер-дик. Отахон шу ёшда газета, журналларни кўзойнақсиз, мунтазам ўқиб борар эканлар.

– Мен доим шукро-налик билан яшайман, – дейди Боймат ота. – Шундай дориламон кунлар, тинч, фаровон ҳаёт насиб этди. Вата-

деди ота чуқур хўрсиниб. – 18 ёшимда уруш-га кетдим. Бегона юрт-ларда сарсон ўтган 7 йиллик умрим давомида нималарни кўрмадим?! Ҳали ўн гулидан бир гули очилмаган не-не йигитларимиз Ватани-дан мосуво бўлишди. Тирик қолганларининг эса, бирининг қўли, би-рининг оёғи йўқ эди... Ҳаётга чанқоқ, яшашга интиқ, очик кетган кўз-лар ҳали ҳам ҳаёлимдан ўтаверади.

Отахоннинг мижжала-рига ёш инди. Зухра ке-лин қайночасининг кай-фиятини кўтариш учун гапни бошқа ёққа бур-ди.

ган эканлар. Мен келин бўлиб тушганимга ҳам 24 йил бўлди. Дадажоним менга ўз отамдек меҳрибонлар.

– Қамбарнисо жуда жонкуяр, меҳнаткаш, оқибатли аёл эди, – деди Боймат ота. – У фарзандларимизни оқ ювиб, оқ таради. Тақ-дир экан, 4 фарзандни уйли-жойли қилгач, мени қолдириб, ўзи ке-тиб қолди. Қолган беш фарзандимга ўзим ҳам ота, ҳам она бўлдим.

"Яхши гап – жон озиғи", дейишади. Ота-нинг таъкидлашича, Ис-тиқлолдан кейинги йил-ларда фахрийларга эътибор ва раббатнинг

Қатра

Бир олим уч ўғлини ўқитиб, вояга етказибди. Ота уларни синаб кўрмоқчи бўлиб, оқ қоғознинг четига бир томчи сиёҳ томизибди ва ўғилларига кўрсатиб:

– Бу нима? – деб сўрабди.
– Доғ, – дебди катта ўғил.
– Сиёҳ доғи, – дебди ўртанча ўғил.

Хайрихоҳлик кўзи

– Сиёҳ, – дебди учинчи ўғил.
Бу жавобларни эшитган ота хафа бўлибди. Ўғиллар ҳайрон бўлиб, отасидан сабабини сўра-шибди. Шунда ота:
– Сизларни олим қилибман-у,

одам қилолмабман. Учалангиз бир четдаги кичкина доғни кўрдангиз-у, катта оқ қоғозни кўрмадингиз, – деб жавоб бе-рибди.

Оламга хайрихоҳлик кўзи билан боққан одамгига ундаги гўзаллик-ларни илғай олади.

Умидахон ҲИДОЯТҲУЖАЕВА тайёради.

Жиноятга жазо муқаррар

Жиноят ишлари бўйича Олмалик шаҳар судининг навбат-даги очик мажлисида ўқилган суд ҳукми бизда галати таас-сурот уйғотди. Йўқ, гап суднинг ҳукми тўғри ё нотўғрилиги ҳақида эмас...

Бизга бир оз эриш ту-юлган нарса шуки, жаҳон цивилизацияси тарихида энг юсак чўққига кўта-рилган бугунги электрон асрда мозийнинг қўлдор-лик даврига оид "одам савдоси" иллати хусуси-да гапиришга тўғри ке-лаётганидир. Замонимиз-га хос бўлмаган бу иллат-нинг келиб чиқиш сабаб-лари ҳақида чуқурроқ ўйлаб кўрилса, масала ойдинлашади. Лўнда ки-либ айтадиган бўлсак, ҳаётда лақма кимсалар бор экан, учарлар ҳам бўлади. Бугунги глобал-лашув даврида бутун дунёда огоҳлик, ҳушёрлик ҳақида ҳар солинаётгани бежиз эмас. Агар ҳар бир фуқаро ўзига пишиқ-пух-та бўлса, ким нима деса, лақма тушавермай, зий-

рагу ҳушёр бўлса, одам савдосининг илдири ўз-ўзидан кесилди. Шунда текин даромад, энгил-елли ҳаётга ўрганиб қол-ган Фарҳод Эшмуратов сингари кимсаларнинг одам савдосига асос-ланган фаолияти барҳам топади.

Дарвоқе, Фарҳод би-ринчи марта суднинг қора курсисига ўтирганда ўн саккиз ёшда эди. Яъни, бели огримай нон ейиш-нинг ҳадисини анча эрта олди. Ножўя маззахурак-лиқнинг оқибати эса аён. Ўйламай ташланган ҳар қандай қадам суднинг

қора курсисига элтади. Охир-оқибат эса, темир панжара ортида поёнига етади. Лекин, Фарҳод шундай ҳаётни ўзига эп кўрди, тўғрироғи, нафс балоси шунга мажбур қилди. Акс ҳолда ҳали 35 ёшга ўлиб-тўлмай, сак-киз марта судланмаган бўларди.

Аслида, Ф. Эшмура-дов чет элга ўзбошимча-лик биллаш ишлашга бо-ришининг оқибатларини ўз бошидан ўтказиб, "тажриба" орттирган. Лақмаларни қандай қилиб тузоққа илти-риш, бегона юртлардаги

доллардан ҳақ оласиз-лар", деб лақиллатиб, Қозоғистондаги олдин-дан келишиб қўйган ше-риқларига топшириб қайтди. Ҳеч қандай шарт-нома ёки ҳужжатсиз бе-гона юртда ишга ёллан-ган лақмалар ётиш-тури-шу еб-ичишларининг та-йини йўқ ҳолда эртадан кечгача оғир меҳнат қилиб, азобланганлари устига бир тийин ҳам ҳақ ололмади, уйларига сар-сон-саргардон бўлиб қайтдилар.

Ушбу жабдийдалар-нинг айримлари одам савдосини касб қилиб

олган Фарҳод Эшмура-довга нисбатан қонуний чора кўришни сўраб, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига ариза билан мурожаат қилмаганлари-да, ким билсин, яна қанча

бўш-баёв кишилар одам савдоси қўрбонига айла-нарни. Хуллас, суд ҳукми ўқилди. Яна бир одамфу-рушининг фаолиятига чек қўйилди. Фарҳод Эшму-радов Жиноят кодексининг бир йўла бир неча моддаси, қисми ва банд-ларидида қайд этилган жи-ноятларни содир этган-лиқда айбдор деб топил-ди ва узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланди. Ҳукм-да ушбу жазо муддати қаттиқ тартибли калония-ларда ўталиши шартлиги таъкидланди.

Шу жойда "бир воқеа шарҳи"га нуқта қўйсак бўларди-ю, аммо бир ўринли мулоҳаза борки, уни айтиш фойдадан ҳоли бўлмас. Гап бир навқирон йигитнинг "эсини таниган"-дан буёнги умри судма-суд, калонияма-калония юриб, ҳазон бўлгани ҳа-қида бораёпти. Нера шун-дай бўлди? Саккиз марта қамалиб ҳам кўзи очил-май, тўққизинчи бор ти-канли сим ортига равона бўлишига сабаб нима?

Бу саволларга турли-ча жавоб бериш мумкин. Аммо, бизнингча, энг асосийси шуки, киши мустақил ҳаёт сари би-ринчи қадамни обдон ўйлаб босмоғи керак. Илк қадам эгри ташландими, ундан кейинги ҳаёт йўли ҳам қинғир-қийишқ бўла-ди. Фарҳод Эшмуратов-нинг "энг гуллаган ёшлик чоғи" тутқилиқда ўтган-ни, бундан буёнги умри қандай кечиши ҳам мав-ҳум экани бунга яққол ми-солдир.

Самод Йўлдош.

Эркин кураш бўйича Ўзбекистон терма жамо-аси аъзолари Бекзод Аб-дурахмонов ва Аббос Раҳмонов Туркияда ўтган жаҳон саралаш турнири-да муносиб иштирок этди.



Офарин

САККИЗ КУРАШЧИМИЗ ОЛИМПИАДАГА БОРАДИ


Мусобақанинг вазни 74 килограммгача бўлган полвонлар беллашувида тажрибали спортчимиз Бекзод Абдурахмонов та-иландлик Падипат Ванта-вонг, латвиялик Алберц Юрченко, австриялик Амирхон Висалимов, қир-ғизистонлик Сайақбай Юсупов ва испаниялик Таймураз Фриев устидан галаба қозониб, шоҳсу-панинг энг юқори поғо-насида кўтарилди ва Олимпиадада қатнашиш ҳуқуқига эга бўлди.

Аббос Раҳмонов 57 килограммгача вазндаги курашчилар баҳсида по-кистонлик Муҳаммад Бил-лол, венесуэлилик Педро

Родригес ва қирғизис-тонлик Самат Надирбек улуну мағлубиятга учра-тиб, қумуш медал ва Олимпия ўйинлари йўл-ланмасини қўлга кирит-ди.

Шу тариқа ҳар тўрт йилликнинг нуфузли спорт анжуманида юнон-рум кураши усталари Рус-там Аскалов, Дилшод Турдиев, Элмурод Тасму-родов, Мўминжон Абдул-лаев, эркин курашчилар Ихтиёр Наврўзов, Маго-мед Ибрагимов, Бекзод Абдурахмонов ва Аббос Раҳмонов Ватанимиз ша-рафини ҳимоя қилади.

Б. АЙТМУРОВОВ,
ЎЗАМ мухбири.



«СИЗ ПОЛВОНЛАРНИ БИЛАСИЗМИ?»

Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонасида "Сиз полвонларни биласизми?" республика танловини юқори савияда ўтказишга бағишланган матбу-от анжумани бўлиб ўтди.

Танлов

Полвонлар миллий маркази ташаббуси билан ташкил этилган тад-бирда танловнинг таш-килий қўмитаси вакил-лари, спорт, маънавият ва маърифат соҳаси фа-оллари, фахрий спорт-чилар ҳамда оммавий ахборот воситалари хо-димлари иштирок этди. Мазкур аънанвий танловда ҳар йили 1

миллиондан ортиқ ўқувчи-ёшлар катнаш-моқда. Анжуманда тан-ловни кўтаринки руҳда ўтказиш, ўқувчиларга етарли шароитлар яра-тиш хусусида сўз бор-ди.

Йиғилиш сўнггида те-гишли қарор қабул қилиниб, танловга старт берилди.

Муқаддас ИСРОИЛОВА.

ҚОН ТАҲЛИЛИ... УЙ ШАРОИТИДА

"Соғ" номини олган янги қурилма орқали энди сиз қон таҳлилларини уй шароитида аниқласангиз бўлади. Қурилма шифокор ҳузу-рига бормасдан қондаги қанд микдори, холестерин (ЛПВП, ЛПНП ва умумий даража), фибриноген ва триглицерид кўрсаткичларини аниқлашга ёрдам беради. "Соғ" ўзининг

патентланган вибрацияли спектроскопик технологияси ёрдамида олинган қон наму-наларини таҳлил қилади. Бу эса ўз навбатида, инсонга организмдаги кўрсаткичларни назорат қилиш ва саломат-лиқнинг ёмонлашувида олиб келувчи хавфли ўзгаришлар-дан ўз вақтида хабардор бўли-шига ёрдам беради.

УЧАР МОТОЦИКЛ

Буюк Британияда учар мотоциклнинг илк намуна-лари яратилди.


Икки томонига моторлар ўрнатилган металл рама янги қурилманинг асоси ҳисоб-ланади. Учар мослама олд ва орқа томондаги моторларга ўрнатилган параклар ёрдами-да ҳавога кўтарилган.

Ford компанияси томони-дан молиялаштирилган

Howerbayk деб ном олган мазкур лойиҳа ниятда хавфли бўлгани сабаб мута-хассислар томонидан маъқулла-намасилти мумкин.

Бойси, унда ҳозирча тана мувозанатини сақлаш жуда мушкул. Шунга қарамадан, ихтирочи Колин Физз бо те-хнологияни тақомиллашти-риш, чинакам учар мотоцикл-лар яратиш ниятида.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.



Муассис:

Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
вазифасини бажарувчи

Файрат
ШЕРАЛИЕВ

Манзилимиз:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Электрон почта:
thaqiqat@umail.uz

Қабулхона:

Бўлим муҳаррирлари ва
мухбирлар:
Шартнома ва эълонлар:
Ҳисоб-китоб бўлими:

Телефонлар:

233-64-95, 233-55-39,
233-58-85 (факс).
233-38-23, 233-48-08.
233-81-21, 233-65-59.
233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва
ахборот бошқармасида 2011 йил
12 январда 03-001 рақами билан
руйхатта олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати»
тахририяти компьютер марказида
терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир
Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ

Навбатчи
Нозима РАСУЛОВА

Саҳифаловчи

Тоҳир МАҲМУДУДҲУЖАЕВ